

Бош мухаррир:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитасининг Божхона институти бошлиғи, божхона
хизмати подполковниги, ю.ф.н., профессор
В.Ё. Эргашев

Бош мухаррир ўринбосари:

Божхона институти бошлиғининг ўқув ишлари бўйича
биринчи ўринбосари, божхона хизмати подполковниги
Ж.А. Қодиров



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

И.М. Мухторов – Давлат божхона қўмитаси Раисининг
биринчи ўринбосари в.б., божхона хизмати полковниги.

Р.К. Кабулов – Давлат божхона қўмитаси Божхона
назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи в.б.,
божхона хизмати подполковниги.

Б.Ё. Абдуғаниев – Давлат божхона қўмитаси Ташки
иктисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни
назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси
бошлиғи, божхона хизмати полковниги, к.ф.н., доцент.

М.М. Миракулов – Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси ҳарбий техника институти бошлиғи биринчи
ўринбосари, ю.ф.д., доцент.

А.В. Ваҳобов – Ўзбекистон Миллий университети
“Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д.,
профессор.

Ш.Р. Қобилов – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи, и.ф.н., доцент.

Н.Ф. Имомов – Тошкент Давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.д.,
профессор.

А.М. Сууюнов – Божхона институти Божхона иши
факультети бошлиғи, божхона хизмати полковниги,
ф-м.ф.н., доцент.

Қ.М. Каримқулов – Божхона институти Божхона
экспертизаси ва товарларни таснифлаш кафедраси
бошлиғи, божхона хизмати полковниги, т.ф.д.,
профессор.

А.А. Саидов – Божхона институти Қайта
тайёрлаш ва малака ошириш факультети
катта ўқитувчиси, божхона хизмати полковниги, т.ф.д.



Масъул котиб:

Ф.С. Гайиров

Божхона институти Ўқув-услубий ва тадқиқот
фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош
инспектори, божхона хизмати подполковниги

Техник мухаррир:

Ш.М. Толипов

Божхона институти ходими



ЎЗБЕК ИСТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
ЎЗБЕК ИСТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
(иктисодий, ҳуқуқий, илмий-амалий журнал)

**ТАМОЖЕННЫЙ
ВЕСТНИК
УЗБЕКИСТАНА**

(экономический, юридический, научно-
практический журнал)

**CUSTOMS
BULLETIN
OF
UZBEKISTAN**
(economic, juridical,
scientific-practical journal)

2020 йил 2-сон



Журнал 2019 йил 10 январь куни Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида 1005-рақамли
гувоҳнома берилган.

*Тахрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача
бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган
фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.*

*Тахририят мақолаларининг услубий хатоларини тўғрилаш ва
қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Тахририятга
юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз
қилинмайди.*

МУНДАРИЖА

БОЖХОНА ИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Э.Нигманов, У.Хамроев, Ж.Севинов. Рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари.....	3
А.Даноқулов, Р.Шоймардонов. Автоматик божхона расмийлаштируви жараёнини бошқариш модели ва алгоритми	9
О.Ибрагимов. Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиши муносабати билан ТИФни ҳуқуқий тартибга солиш.....	13
А.Суюнов, З.Уралова. Рақамли божхонани ташкил этишнинг халқаро модели. Рақамли аср имкониятлари.....	20
Ш.Лутфуллаев. Современное состояние и перспективы развития автоматизации выпуска товаров и транспортных средств.....	24
У.Ибрагимов. Божхона назорати жараёнида сунъий интеллектни қўллаш масалалари	30
Қ.Эргашев. Рақамли божхонани ривожлантириш бўйича хорижий тажриба (ХХР мисолида).....	35
Т.Пардаев. Божхона тўловларидан бериладиган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини ошириш омили.....	39
С.Юсупов. Ташки савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	45
С.Соатов. Ташки савдо божхона статистикасида кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш усуллари.....	50
Х.Рузметов. Ўзбекистон Республикаси божхона органларида Хавфни бошқариш тизимининг жорий этилиш тенденцияси ва унинг бугунги кундаги натижалари.....	55
У.Пирмухамедова. Автомобиль божхона постларида божхона назоратини амалга оширишда Хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби.....	61
М.Хамраев. Товарларни идентификациялашда хавф профилларини шакллантириш ва қўллаш.....	68
Х.Бойбеков, А.Абдулфайзов. Божхона аудити божхона назоратининг шакли сифатида.....	74
Н.Мирзаев. Божхона хизматларини кўрсатиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	79

ҲУҚУҚИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ

О.Окюлов. Интеллектуал мулк объектлари импортини ҳуқуқий тартибга солиш механизмни такомиллаштириш масалалари.....	85
Х.Абдурахмонова. Божхона органларидаги низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.....	90
В.Каримов, М.Дўстов. Жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг жиноий-ҳуқуқий фаолар билан ўзаро боғлиқлиги.....	95
А.Ачиллов. Ташки иқтисодий фаолиятнинг криминаллашувида «Яширин иқтисодиёт»нинг таъсири ва унга қарши курашиш масалалари.....	102
И.Мирзаев. Ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни малакалашдаги муаммолар ва жавобгарликни либераллаштириш.....	108

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Б.Абдуганиев, О.Хасанов, С.Саломов. Роль таможенных органов в контроле за незаконным перемещением товаров, наносящих ущерб окружающей среде.....	112
Б.Рўзиев. Контрафактга қарши курашиш ва «Параллел импорт» муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари хусусида.....	117
С.Мусабекова, Б.Даутов, М.Хусанова. Методологические основы таможенной экспертизы перчаток из композитных материалов в таможенных целях и факторы, влияющие на их эффективность	122
С.Рахимов. Коррупцияга қарши курашиш миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили сифатида.....	126
Ш.Темиров. Офшор ҳудудлар ва уларнинг халқаро иқтисодиётдаги ўрни	130
Н.Туланбаев. Ташки иқтисодий фаолият соҳасида давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни ҳуқуқий таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	134

ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР

С.Шомирзаев. Европа Иттифоқи божхона қонунчилигининг қисқич таҳлили: Латвия Республикаси мисолида.....	138
Ф.Гайиров, У.Рахматов. Ўзбекистонда божхона атташеси институтини ташкил этиш истиқболлари.....	141
М.Қурбонов. “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги халқаро конвенцияга қўшилишнинг миллий божхона қонунчилигига таъсири.....	145

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Юсунов, ДБКнинг Божхона институти доценти, и.ф.н.

Аннотация: В статье рассмотрены особенности государственного регулирования внешней торговли, а также анализируются процессы, происходящие в мировой экономике и международных экономических отношениях при формировании внешнеэкономической политики государства, а также дана классификация государственных инструментов регулирования внешней торговли.

Ключевые слова: внешняя торговля, внешнеэкономическая деятельность, регулирование, экспорт, импорт, торговая политика, тарифные методы, нетарифные методы, мировой рынок, валютные курсы, платежный баланс, протекционистская политика, таможенные пошлины, таможенное право, таможенные тарифы.

Аннотация: Ушбу мақолада ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган, шунингдек давлат ташқи иқтисодий сиёсатнинг шаклланишида жаҳон хўжалигида ва халқаро иқтисодий муносабатларда рўй бераётган жараёнлар ҳамда ташқи савдони тартибга солиш давлат воситаларининг таснифланиши келтирилган.

Калит сўзлар: Ташқи савдо, ташқи иқтисодий фаолият, тартибга солиш, экспорт, импорт, савдо сиёсати, тариф усуллари, нотариф усуллар, жаҳон бозори, валюта курслари, тўлов баланси, протекционизм сиёсати, божхона божи, божхона ҳуқуқи, божхона тарифлари.

Дунё хўжалигининг XX аср охири фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларидан бири – давлатлар ўртасидаги халқаро савдонинг янада ривожланишидир. Ҳар бир давлат бу шароитда ўз ташқи савдоси ва иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнини чуқур ўйланган ҳолда ташкил этишга қаратади.

Ташқи савдони амалга оширишнинг асосий шаклларида бўлмиш – ташқи савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга, қўллашга қаратилган бўлади. Ҳар бир мамлакатнинг савдо сиёсатида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий ҳуқуқий ва бошқа масалалар узвий боғлиқдир. Савдо сиёсатининг туб моҳиятидан келиб чиқилса, иқтисодий масалалар асосийси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 408-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди [1]:

– божхона божлари ставкаларини белгилаш ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда нотариф тартибга солиш чора-тадбирларини қўллаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш;

– ички ва ташқи бозорларда юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб тариф ва нотариф тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, божхона тўловлари бўйича амалдаги имтиёзлар тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантиришда иштирок этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси ва товарларни таснифлаш қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Маълумки, ушбу қарорда ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг тариф ва нотариф усуллари бўйича вазифаларни белгиланиши бугунги кунда иқтисодиётни ривожланишида бу омилларга чуқурроқ эътибор бериш лозимлигини кўрсатади.

Давлатлар ўз ички бозорларини ҳимоя қилиш, чет эл бозорларига кўпроқ товарлар чиқариш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни мавжуд воситалар ёрдамида тартибга солишди.

Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш деб, одатда, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган фаолият тушунилади. Халқаро савдога давлат аралашуви даражасига кўра савдо сиёсатини протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига ажратиш мумкин. Ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш давлатнинг алоҳида олинган мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари билан ташқи иқтисодий алоқалардаги стратегик мақсадларни аниқлашни, шунингдек, белгиланган мақсадларга эришишни ва эришилган натижаларни сақлаб қолишни таъминловчи усуллар ва воситаларни ишлаб чиқишни кўзда тутати.

Ташқи иқтисодий сиёсат ташкилий тузилишлари товарлар ва хизматларни халқаро миқёсдаги олди-сотдиси, шунингдек, моддий, пул, меҳнат ва интеллектуал ресурслари халқаро ҳаракатидан иборат бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиди. Ҳозирги кунда деярли барча давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсатни кенг миқёсдаги воситалари нафақат уларга ўз ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, йўналиш ва таркибий тузилишини шакллантиришга, балки бошқа давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ва ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Ташқи иқтисодий сиёсат давлатни ички иқтисодий сиёсати билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам унинг таркиби, бир томондан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши табиати билан, иккинчи томондан эса, ўз миллий хўжалиги миқёсида давлат томонидан ечилаётган ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари билан ифодаланади. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг шаклланишига жаҳон хўжалигида ва халқаро иқтисодий муносабатларда рўй бераётган:

- жаҳон бозорида рақобат курашининг кескинлашуви;
- валюта курслари мўътадиллигининг бузилиши;
- тўлов балансларининг бир меъёردа эмаслиги;
- ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш

иқтисодиётини бошдан кечираётган баъзи давлатлар ташқи қарзларининг катталиги каби ҳодисалар таъсир этади.

2020 йил 4 июнь куни Инвестициялар ва ташқи савдо вазири бошчилигида ташқи савдони тариф ва нотариф тартибга солиш бўйича республика Кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Учрашувнинг асосий мавзуси тариф ва нотариф савдо фаолиятини тартибга солиш сиёсатини ўзгартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бўлди. Мазкур йиғилишда томонлар амалдаги қонунчилик, мавжуд ишлаб чиқариш ва ташқи савдони ҳисобга олган ҳолда, айрим тоифадаги товарларга импорт божлари миқдорини оптималлаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Бизнинг фикримизча, божхона тариф ставкаси паст бўлиши, бу ўша давлатнинг ички ва ташқи имкониятларига салбий таъсир этиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон билан ҳамкор давлатлардаги ўртача арифметик ставкалар Хитойда 9,8%, Туркияда 10,9%, Кореяда 13,7%, Ҳиндистонда 13,8% ташкил этади. Ўзбекистонда эса амалдаги ставка 8,2% [2]. Таъкидлаш жоизки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб кўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 %дан 15 %га туширилганлиги тўланадиган бож тўловларининг умумий юки пасайганлигидан далолат беради [3].

Шунингдек, 2019 йилда умумий импорт ҳажми 16,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан МДХ мамлакатларидан қилинган импорт 5,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Божхона тўловларига тортиладиган умумий импорт эса 4,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, шундан МДХ мамлакатлари ҳиссасига 2,0 млрд. АҚШ доллари (46,3%) тўғри келган [4].

2020 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган янги бож ставкаларига кўра, 11293 турдаги товарлар бўйича импорт божи ставкалари белгиланиб, шулардан 7261 турдаги товарлар ставкаси ўзгаришсиз қолган. Бундан ташқари, 2730 турдаги товарларга божхона тариф ставкаси жорий этилди ҳамда 1096 товарларга божхона тариф ставкаси оширилиб, 208 турдаги божхона тариф ставкаси пасайтирилди [5].


Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган товарларни импорт қилишда импорт божи ундирилмайди, бу эса ўз навбатида қўшилган қиймат солиғи ставкаси пасайтирилганлиги ҳисобига товарлар нархларининг ўртача 5 % тушишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган жараёнларнинг таъсири замонавий ташқи иқтисодий сиёсатда икки: эркинлаштириш ва протекционизм (ҳимоя қилиш) жараёнларининг ўзаро доимий таъсирини вужудга келтиради.

Таъкидлаш керакки, XIX аср ўрталаридан то XX аср ўрталаригача иқтисодий ғоялар ва ҳўжалик юритиш амалиёти эркин савдо ва протекционизм тамойилларининг кескин

лар бериши ва у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишга рағбатлантириши мумкин. Булар баъзи бир ҳолларда ижобий натижалар бериши мумкин. Мисол учун, катта фирмалар берилган тавсияларга кўра ҳаракат қилишлари орқали давлатдан маълум имтиёзлар ва афзалликларга эга бўлишлари мумкин (давлат буюртмалари ва бошқалар). Лекин, бундай тавсиялар ҳамма вақт ҳам ижобий натижалар беравермайди ва давлат нуқтан назаридан катта натижалар бермайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари характериға кўра бож тарифини қўллашга асосланган тариф ва бошқа барча воситаларга асосланган нотариф воситалариға бўлинади (1-расм).



1-расм. Ташқи савдони тартибга солиш давлат воситаларининг синфланиши

кураши билан бирга ривожланиб борди. Эркин савдо ғояларининг умумий устунлиги давом этган ҳолда алоҳида даврларда протекционизмнинг жонланиши ва ривожланиши кам кузатилди.

Протекционизм сиёсати ҳозирги рақобатни кучайиши шароитида маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатлар томонидан ҳам қўлланилади. Давлат протекционистик савдо сиёсатини олиб боришда ташқи савдо сиёсатининг турли воситаларидан фойдаланади. Бу воситаларни танлаш уларни қўллаш мақсадларидан келиб чиқади. Битта мақсадга эришиш учун турли воситалардан фойдаланса бўлади. Демак, ҳар қандай алоҳида олинган ҳолатда ҳар бир давлат бу воситаларни у ёки бу гуруҳларини танлайди.

Давлат ҳўжалик субъектларига тавсия-

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишда жаҳон амалиётида кўп қўлланиладиган усуллардан бири тариф усулидир. Тариф усулининг асосини бож тарифи, яъни божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига асосан бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкалари тўпламидир.

Бож таърифидан шуни айтиш мумкинки, ихтиёрий мамлакатнинг бож тарифи божхона божларининг аниқ ставкаларидан иборатдир. Божхона божи – товарларни импорт ёки экспорт қилишда, божхона органлари томонидан ундириладиган ва экспорт ёки импортнинг шароитини белгиловчи тўланиши лозим бўлган аъзолик бадалидир.

Бож тарифи, халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан қўлланилиши кафолатланадиган, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга

солиш давлат воситасидир. Мамлакат савдо сиёсатини қайси томони аҳамиятлигидан келиб чиққан ҳолда, бож тарифининг бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифи мавжуд:

– мамлакат ички бозорини жаҳон бозори билан ўзаро боғлиқлигида савдо сиёсати ва ички бозорни давлат томонидан тартибга солиш воситасидир;

– маълум товарни божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқишда тўланадиган божхона божининг аниқ ставкасидир.

Бож тарифлари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш воситаси сифатида XVIII асрнинг бошларидан қўлланила бошланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бир неча бор камайтирилишига қарамай, бож тарифлари импортнинг ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатган ҳолда, замонавий ташқи савдони тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Бож тарифининг асосий вазифаларидан бири миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилишдир. Импортни чеклаш, товарни ишланганлик даражасига қараб, божларнинг юқори ставкалари ва божхона йиғимларининг катталигини ошириш орқали амалга оширилади.

Бож тарифларининг фискал функцияси, яъни давлат бюджетининг даромад қисмини ошириш функцияси, кўпгина ривожланган мамлакатларда иккинчи ўринга ўтди (божхона божлари бюджет даромадларининг бир неча фоизинигина ташкил этади). Лекин ривожланаётган мамлакатларда, айниқса саноати унчалик ривожланмаган мамлакатларда, божларнинг фискал функцияси катта аҳамиятга эга [6].

Божхона божлари миллий хўжаликларни ривожланишининг объектив жараёнларига ва халқаро савдодаги таркибий ўзгаришларга мос равишда ўзгаради.

Ҳар бир давлат савдо сиёсатининг у ёки бу воситаларини ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда қўллаш бўйича қарор қилиш олдидан, қўлланилаётган воситаларни давлат савдо сиёсати характерида таъсирини ва шерик давлатлар томонидан жавоб чегаралари қўлланилиши мумкинлигини ўрганиб

чиқиши лозим.

Савдо сиёсати чораларини баҳолаш мақсадида тенг, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган индикатив саволнома мамлакатлар ҳукуматлари амалиётида кенг қўлланилади.

Савдо сиёсати иқтисодий чора-тадбирларини қўллашдан олдин жавоб бериш лозим бўлган саволлар қуйидагилардан иборат:

– бу чорани амалга оширилиши натижасида тармок ёки фирма учун қандай иқтисодий ютуқ кутилади ва қанча иш жойлари ташкил этилади ёки сақлаб қолинади?

– бюджет даромадлари қанчага ошади ёки тадбирларни амалга ошириш учун қанча бюджет харажатлари талаб этилади, буни аниқлаштириш зарур;

– ички нархлар қанчага ошади ва бу чора-тадбирлар натижасида истеъмол миқдори қанчага камаяди?

– бу чора-тадбирлар қўлланилишига савдо бўйича шерик давлатлар қандай муносабат билдиради ва унинг уларга потенциал таъсири қандай?

– қўлланилиши кутилаётган чора-тадбирлар мавжуд давлат иштирок этаётган кўп томонлама ёки икки томонлама шартномалар қоидаларига тўғри келадими ёки йўқми?

Мана шу саволларга жавоблар ўрганилиб ва таҳлил қилингандан сўнг халқаро савдонини тартибга солиш воситаларининг у ёки бу турларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳулоса қилиш мумкин:

– божхона божлари ставкаларини белгилаш ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда нотариф тартибга солиш чора-тадбирларини қўллаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда ушбу маълумотлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш бозорларимиздаги маҳсулот нархларини янада пасайишига сабаб бўлади;

– ички ва ташқи бозорларда юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб тариф ва нотариф тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш,

шунингдек, божхона тўловлари бўйича амалдаги имтиёзлар тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш лозим;

– амалдаги қонунчилик, мавжуд ишлаб чиқариш ва ташқи савдони ҳисобга олган ҳолда, айрим тоифадаги товарларга импорт божлари миқдорини оптималлаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 408-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасида бўлган брифинг маълумотлари, <http://old.uza.uz/oz/society/7261-turdagi-tovarga-bozhkhona-tarif-stavkasi-zgarishsiz-old-28-10-2019>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини янада чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятининг 2019 йил якунлари - <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-tashi-savdo-faolijatining-2019-jil-jakunlari>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПҚ-4470-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz
6. Свинухов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование ВЭД. // М. Экономист, 2009, С. 31.

